

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**Тошкент Молия институти**

**И.ҚЎНҒИРОВ**

**МИЛЛИЙ ҲАМДА УМУМИНСОНИЙ  
ҚАДРИЯТЛАРГА ТАЯНИШ – ЎЗБЕКИСТОНДА  
ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШНИНГ  
МУҲИМ ШАРТИ**

**ўқув-услубий қўлланма**

**ТОШКЕНТ-2009**

**И.Қўнғиров.** Миллий ҳамда умуминсоний кадриятларга таяниш-Ўзбекистонда демократик жамият куришнинг муҳим шарти. Ўқув-услубий қўлланма. – Т.: ТМИ 2009, 32 бет.

Ушбу ўқув-услубий қўлланмада Ўзбекистонда демократик жамият шаклланишида миллий ҳамда умумбашарий кадриятларнинг ўрни ва роли илмий, назарий асосда ижодий таҳлил этилган ва зарур услубий тавсиялар берилган.

Ўқув-услубий қўлланма бакалавриат йўналишларидаги талабалар ҳамда магистратура мутахассисликларига мўлжалланган.

Мазкур ўқув-услубий қўлланма Тошкент Молия институти-нинг Илмий-услубий Кенгашининг 2009 йил 10 февралдаги йиғилишида кўриб чиқиб, нашрга тавсия этилган.

**Такризчилар:**

т.ф.д. проф. Д.Бобожонова  
ю.ф.н. доц. А.Қурбонов

*Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.*

*Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади.*

### **Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 13-модда**

*Мустақил Ўзбекистоннинг куч-қудрати манбаи–халқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқлигидир. Халқимиз адолат, тенглик, аҳил қўшничилик ва инсонпарварликнинг нозик куртакларини асрлар оша авайлаб-асраб келмоқда. Ўзбекистонни янгилашнинг олий мақсади ана шу анъаналарни қайта тиклаш, уларга янги мазмун бағишлаш, заминимизда тинчлик ва демократия, фаровонлик, маданият, виждон эркинлиги ва ҳар бир кишини камол топтиришга эришиш учун зарур шарт-шароит яратишдир.*

**Ислом Каримов**

## МУҚАДДИМА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан 2006 йил 25 августда қабул қилинган “**Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарарадорлигини ошириш**” тўғрисидаги қарор, Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий кадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш каби бугунги кунда муҳим аҳамият касб этаётган, долзарб масалаларни ҳал этишга қаратилган.

Мазкур қарорда таъкидлаб ўтилганидек, халқимизнинг кўп асрлик маънавияти ва миллий кадриятлари, диний қарашлари ва ҳаётий удумларига, ёшларимизнинг онгини заҳарлаб, маънавий жиҳатдан қарам этишга қаратилган мафкуравий ҳаракатларга қарши самарали кураш олиб бориш бўйича илмий-амалий дастурларни ишлаб чиқиш каби муҳим масалаларни ҳал этиш зарурати туғилмоқда.

Кези келганда илгари айтган бир фикримни такрорламоқчиман, – деб таъкидлаган эди, Муҳтарам Президентимиз И.А. Каримов ўзининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида, – Бу дунёда табиатда ҳам, жамиятда ҳам бўшлиқ бўлмайди. Қаердадир бўшлиқ пайдо бўлдимиз, ҳеч шубҳасиз, уни албатта кимдир тўлдиришга ҳаракат қилади. Бугунги кунда дунёнинг айрим ҳудудларида ана шундай ҳаракатлар натижасида катта маънавий йўқотишлар юз бераётгани, миллатнинг асрий кадриятлари, миллий тафаккури ва турмуш тарзи издан чиқаётгани, ахлоқ-одоб, оила ва жамият ҳаёти, онгли яшаш тарзи жиддий хавф остида қолаётганини кузатиш мумкин.<sup>1</sup>

Булардан келиб чиққан ҳолда фикр юритадиган бўлсак, миллий кадриятларимизни тиклаш ҳамда уларни тарғиб этиш билан боғлиқ долзарб масалаларнинг нақадар кўп ва муҳим эканлигига ишонч ҳосил қиламиз.

Шу ўринда “кадрият” атамасига таъриф берадиган бўлсак, у арабча «**кадр**» сўзидан олинган бўлиб, борлиқ ва жамиятдаги бирор-бир нарса ва ҳодисани жамиятда, кишилар ўртасидаги ўзаро ижтимоий муносабатларда тутган муҳим аҳамиятини ифода этиш учун қўлланилган.

Кадриятлар муайян жамият ва синфга мансуб кишилар турмуши ҳамда маданиятининг ҳақиқий ёки идеал неъматлари бўлган та-

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т. : “Маънавият”, 2008, 12-13-бетлар.

биат ва жамият ҳодисаларининг моҳиятидир. Бу неъматларнинг кадриятлар дейилишига сабаб кишилар уларни кадрлайдилар, улар шахсий ва ижтимоий турмушни бойитади. Шунинг учун ҳам, кишилар ўз тасарруфларидаги кадриятларни ҳимоя қиладилар ва авайлаб-асрайдилар ҳамда ўзлари учун мақсад ва идеал бўлган кадриятларни амалга оширишга интиладилар.

Кадриятлар тарихий ва замонавий бўлиши мумкин. Лекин бирор бир нарса ва ҳодиса хоҳ моддий, хоҳ маънавий бўлсин, кадриятга айланиши учун муайян вақт ўтиши, муайян тажриба орттирилиши ва унинг аҳамиятини кўпчилик тушуниши ҳамда маъқуллаши лозим.

Нарса ва ҳодиса кадриятга айланиши учун ўтган маълум бир вақт мобайнида ўз аҳамиятини тўлиқ кўрсата олиши лозим. Шуниси муҳимки, биз ўтмишдан ҳар қандай нарсани “**кадрият**” сифатида қабул қила олмаймиз. Чунки унинг барча жиҳатлари, ҳамма ерда, ҳамма учун ҳам тўлалигича ибратли бўлмаслиги мумкин. Биз ўтмишдан кулни эмас, балки чўғни, оловни олмоғимиз зарур. Ҳар қандай мерос у қандай мафтункор бўлмасин, қандай жозибадор бўлмасин янги давр учун ўз-ўзидан хизмат қила олмайди. У ҳамиша чуқур танқидий таҳлилга, ижодий бойитилишга ва ривожлантиришга муҳтож бўлади. Бундай ҳолатлар бевосита кадриятларга ҳам тегишлидир.

Кадриятларнинг хилма-хил шакллари бор: моддий ва маънавий, умумбашарий, минтақавий, умуминсоний; жамият соҳалари бўйича: иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий кадриятлар; ижтимоий онг шаклларига мос келадиган ахлоқий, диний, ҳуқуқий, илмий; ҳаётнинг ижтимоий тузилишга мос келадиган-миллий, синфий ва бошқалар. Кадриятлар дунёни билишнинг мақсади, билимларимизнинг ҳақиқатга мос келиш даражасини аниқлаш мезони ёки бирор идеал тарзида ҳам намоён бўлади.

Кадриятларга мансуб бўлган моддий ва маънавий нарса ва ҳодисалар жамият тараққиётида муҳим аҳамиятга эга бўлган ворислик, давомийлик, изчиллик, ўзига хосликлар билан боғлиқ вазифаларни бажаради. Шунингдек, кадриятлар одамларнинг муносабатларини, хулқ-атворларини тартибга солиш ва тўғри йўналтириш учун ҳам хизмат қилади.

«**Кадрият**» даражасига кўтарилган нарса ва ҳодисалар, жараёнларнинг, чунончи, ғоялар кишиларнинг кундалик, оилавий, маиший, миллий, амалий фаолиятларида муҳим ўрин эгаллаган маросимлар, улар билан боғлиқ ҳис-туйғулар, кайфиятлар, ахлоқ, одоб, қоида ва

тартиблари, ижтимоий тажрибаларнинг аҳамиятлари ана шу нарса ва ҳодисаларнинг ички хусусиятларидан эмас, балки уларни инсоний фаолият, манфаат ва эҳтиёжлар, ижтимоий муносабатлар соҳасига қай йўналишда ва қай аҳволда жалб қилинганлиги ва ундаги ўрни билан белгиланади.

Демак, жамият таракқиётининг турли даврларида мавжуд бўлган ижтимоий ҳодисаларнинг барчасини қадрият сифатида қабул қила олмаймиз. Чунки қадрият даражасига кўтарилиш учун маълум бир тарихий жараёнларда халқ томонидан юксак баҳоланиши ҳамда кадр-қимматга эга бўлиши, одамларнинг юрак-юрагидан жой олиши каби мезонлар талаб этилади. Содда қилиб айтадиган бўлсак, инсон учун энг азиз, энг “қадрли” нарсаларгина қадрият сифатида тан олинади ва эътироф этилади. Президент И.А. Каримов айтганидек, “Тарих синовларидан ўтган, миллий манфаатларимиз, бугунги ва эртанги орзу-интилишларимизга, таракқиёт талабларига тўла жавоб берадиган, йиллар ўтгани сари қадри ортиб борадиган ғоя ва тушунчаларни қадрият деб биламиз.<sup>1</sup>

Мазкур қўлланмада миллий ҳамда умуминсоний қадриятларнинг демократик жамият барпо этиш жараёнларидаги ўрни, аҳамияти ва уларнинг ўзаро алоқадорлиги ҳамда бир-бирини бойитиб бориши ҳақидаги назарий асослар илмий-иждоий таҳлил этилган. Шунингдек, зарур услубий тавсиялар ҳам ишлаб чиқилган.

У “қадрият”ларни тарғиб-ташвиқ қилиш билан шуғулланувчи мутахассислар, тадқиқотчилар ҳамда реферат, курс ишлари ёзмақчи бўлган талабалар учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

## **1. Инсон, унинг кадр-қиммати – демократик жамиятнинг олий қадрияти**

Ўзбекистонда демократик жамият куриш ғоялари халқимизнинг азалий орзу-умидларидан бири бўлиб келган. Ўзбек халқи асрлар давомида ўз халқининг озод ва ҳур бўлишини таъминлаш мақсадида тинимсиз курашлар олиб бориб, мислсиз қаҳрамонликлар кўрсатганликларини тарих саҳифаларидан кўп мартаба ўқиганмиз.

Мустақиллик шарофати билан ўзбек халқининг азалий орзу-ниятлари амалга ошди, юртимиз осмонида мустақиллик қуёши порлади. Ўз эрки, ўз ҳуқуқи қонуний асосда ўзига берилди.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т . : “Маънавият”, 2008, 82-б

Мустақилликнинг илк кунлариданок Ўзбекистон ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини демократик дунё цивилизацияси талаблари ҳамда тартиб-қоидалари, умумбашарий тамойиллар асосида белгилаб олди. Ўзбекистон ўз мақомини дунёвий давлат шаклида бўлишини аниқлаб олгандан сўнг, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат қуришга, унинг конституциявий – ҳуқуқий асосларини барпо этишга киришди.

“Мустақил Ўзбекистон халқи ўз олдига **“инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш”**дек конституциявий мақсадни қўйди. Миллий давлатчилигимизнинг бой тарихида илк бор ана шундай мақомга эга цивилизациялашган давлат барпо этиш ва унинг негизида адолат, қонунийлик тамойилларига таянувчи замонавий демократик жамиятни шакллантиришдек асрий орзу-умид имкони юзага келди ҳамда унинг конституциявий-ҳуқуқий асос заминлари яратилди”<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг **8-моддасида: “Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади”**, – дейилади. Яна шунингдек, **13-моддада**, демократик цивилизация талаби ўлароқ. **“Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади,”** деб тан олинади. Конституция ва унинг асосида қабул қилинган барча қонунларда инсонларнинг демократик ҳуқуқ ҳамда эркинликлари юридик жиҳатдан ҳимоя қилинади.

Жамият тараққиётида, инсонларнинг ҳаётида, ижтимоий-сиёсий ривожланишда эркинлик, тенглик, биродарлик каби қадриятлар катта аҳамият касб этади. Инсонийликни кадрловчи ижтимоий-сиёсий қадриятлар ичида эса истиқлол туфайли қўлга киритилган барқарорлик, тинчлик, инсонпарварлик, тотувлик каби буюк қадриятларнинг ўрни бениҳоят катта.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бизнинг авлод-аждодларимиз жамоа, маҳалла бўлиб, бир-бирига меҳр-оқибатли бўлиб яшаб келган. Тарихий даврлар бухронида, ота-бобаларимизнинг руҳий оламига таъсир этишга, миллий қадриятларимизни йўқотишга бўлган уринишлар кўп бўлган, лекин бесамар яқунланган. Бундай собитлик эса авлод-аждодларимизнинг имон-эътиқодли ва юксак инсоний хислатларга эга бўлганлигидан далолат беради. Президенти-

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.–Т.: «Ўзбекистон», 2003

миз И.А. Каримов айтганларидек, “Дунёдаги зўравон ва тажовузкор кучлар қайси бир халқ ёки мамлакатни ўзига тобе қилиб бўйсиндирмоқчи, унинг бойликларини эгалламоқчи бўлса, авваламбор, уни қуролсизлантиришга, яъни энг буюк бойлиги бўлмиш миллий қадриятлари, тарихи ва маънавиятидан жудо қилишга уринади”<sup>1</sup>.

Қадриятлар тарихий тараққиёт жараёнида инсониятнинг маънавий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилиб келган. Шу боис асрлар давомида кадрланган ва такомиллашиб авлоддан-авлодга ўтиб келган.

Энг олий қадрият инсоннинг ўзидир, лекин шўролар тузуми даврида инсон кадр топмади, ўзбек халқининг улуғ фарзандлари Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бошқа кўплаб илм-фан аҳли, юксак тафаккур эгалари феодализм даврининг вакиллари сифатида камситилди, уларнинг бой меросларини ўрганиш тақиқланди.

Инсон, унинг кадр-қиммати ва муаммолари доимо долзарб масалалардан бири саналади. Қадимги тарихга мурожаат қиладиган бўлсак, буюк аллома ва донишмандлар ҳам **“Одамнинг тафтини одам олади”**, **“Одам бор жойга одам келади”**, **“Одам учун энг қизиқ мавзу-одамнинг ўзидир”**, **“Одам борки олам мунаввар”** каби кўплаб ҳикматли сўзларни бежиз айтмаган.

Инсонлар ҳаёти турли-туман одамларнинг ўзаро ижтимоий муносабатлари мажмуидир. Инсон борки, ҳаёт мавжуд, жамият борки, инсон камол топиб, яшаб, ўсиб-улғайиб келмоқда. Демак, “Инсон жамиятнинг гултожи”, инсон жамиятнинг муқаддас кучидир. Унинг куч-қудрати бу дунёда энг олий вужуд, энг олий мавжудот эканлигидадир.

Шарқнинг улуғ қомусий олими, буюк файласуф Абу Наср Форобийнинг “Фозил одамлар шаҳри” асарида инсонга нисбатан шундай баҳо берилади: “Жамиятни ташкил этувчи инсонлар қанчалик фозил, ахлоқли бўлсалар, қанчалик имон-эътиқодлари мустаҳкам бўлса, жамият ҳам шунча мустаҳкам бўлади, бошқариш осонлашади, ҳокимият тепасига тасодифий одамлар чиқмайди.”<sup>2</sup>

Юксак маъно-мазмунларга бой рубойлари билан башарият аҳлини лол қолдирган, буюк тафаккур эгаси, Умар Ҳайём шундай сатрларни битган эди:

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008, 11-б.

<sup>2</sup> Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри.-Т.: Адабиёт ва санъат, 1993, 138-бет.



**Дунёнинг тилаги, самари ҳам биз.  
Ақл кўзин қароси-жавҳари ҳам биз.  
Тўғарак жаҳонни узук деб билсак,  
Шаксиз унинг кўзи-гавҳари ҳам биз.**

Ҳазрати инсоннинг улуғлигини мадҳ этувчи жумлаларни мутафаккир шоирларимиздан Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Мирзо Бедил ва бошқа алломаларнинг асарларида ҳам бот-бот учратиш мумкин.

Инсон доимо, ҳар бир соҳада тарихнинг тараққиёт босқичларида бош қаҳрамон, жамиятнинг олий қадрияти бўлиб келган. Чунки жамиятнинг ижтимоий тараққиёти, ҳаётнинг барқарорлиги, гўзаллиги инсоннинг ижодий меҳнат фаолияти, ахлоқи, маданияти, хатти-ҳаракати билан чамбарчас боғлиқ.

Жамиятнинг демократлашуви, турмушимизнинг фаровонлиги, кўп жиҳатдан кишиларнинг юксак маънавиятига ҳамда уларнинг умуминсоний қадриятларга содиқликларига боғлиқ.

Демократик жамият туб маънодаги умуминсоний қадриятларга асосланган фуқаролик жамиятидир. Бундай жамиятда инсон қонунда белгиланган ҳуқуқ ва имкониятларидан бемолол фойдалана олади ва ўз ҳаётини яхшилаш, талаб-эҳтиёжларини қондириш учун фаолият кўрсатади. Ўз камолоти, фарзандлари камолоти учун нимаики зарур бўлса, қила олиш ҳуқуқига мушарраф бўлади.

Инсоннинг улуғлиги ахлоқий сифатлар, инсонпарварлик, Ватан ва халққа садоқат, меҳнатга ҳамда атрофидаги кишиларга нисбатан муносабат, ақл-заковат ва фаҳм-фаросат билан ўлчанади.

Ҳа, инсон буюк мавжудот!... У ҳар қанча мақтовларга лойиқ. Файласуф шоир Мирзо Бедил инсонни ирқий, миллий, диний эътиқодларидан қатъий назар ҳурмат ва эҳтиромга сазовор зот деб ҳисоблайди ва бу ҳақда шундай дейди: “Ҳар кимки, ҳазрати инсонни саждага сазовор демаса, у малъундир”. Ушбу фикрнинг ҳар қандай давр учун адолатли, ардоқли бўлиб қолишига ҳеч қандай шубҳа бўлмаса керак.

Мустақил Ўзбекистон фуқароларининг, хусусан, ёшларнинг руҳиятида инсонпарварлик туйғуларини шакллантириш ҳамда уларни ривожлантириш, демократик адолатли фуқаролик жамиятини барпо этишнинг муҳим кафолати ҳисобланади. Шундай экан, уларнинг онгига инсонпарварлик ва инсонни улуғлаш каби муқаддас туйғуларни сингдириш, амалга оширадиган маърифий ишимизнинг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолмоғи лозим.

Чунки, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ислохотларнинг бош мақсади ҳам инсон манфаатларига қаратилган. Мамлакатимизда халқимизнинг фаровон турмуш кечириши, уларнинг орзу-истакларини амалга ошиши учун шарт-шароитлар яратиш каби вазифалар ҳар доим долзарб бўлиб келган.

Қадриятлар ичида энг биринчи ва энг асосийси ҳаётнинг ўзидир, чунки ҳаётдан маҳрум бўлиш қолган барча қадриятлардан маҳрум бўлиш демакдир.

Демак, инсон ва унинг ҳаёти энг олий қадрият ҳисобланар экан, инсон йўқ жойда бирон-бир нарсанинг қадр-қиммати ҳақида гапириш ноўриндир. Шунинг учун ҳам, инсонни эъзозлаш, унинг иззат-икромини жойига қўйиш, давлат сиёсати даражасига кўтарилмоқда.

Муҳтарам Президентимиз Ислон Каримов томонидан 2007 йилнинг «**Ижтимоий ҳимоя йили**», 2008 йилнинг «**Ёшлар**» йили деб эълон қилиниши ҳам мамлакатимизда инсон қадр-қимматининг юксаклигидан далолат беради. Чунки бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий ҳимоя мамлакатимиз ички сиёсатининг устувор вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Инсонпарварликнинг юксак намуналаридан бири сифатида ўтказиладиган бундай тадбирлар ижтимоий ҳимоя йўли билан ҳамда ушбу жараёнларни такомиллаштириш ва миллий қадриятларга асосланган ҳолда амалга оширилмоқда.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, қадриятлар ичида инсон энг олий қадрият бўлиб қолаверади. Чунки амалга оширилаётган барча ислохотлар, янгиланишларнинг барчаси инсон манфаатига уларнинг турмуш тарзини юксалтиришга қаратилган.

## **2. Демократик жамият қуришда миллий қадриятларнинг роли**

Мустақилликнинг ўтган ўн беш йили давомида ижтимоий ҳаётимизда кўпгина ютуқлар қўлга киритилди. Ана шундай ютуқларимиздан бири миллий-маънавий қадриятларимизнинг тикланганлиги, унга таяниб ўзига хос ва ўзига мос демократик тараққиёт йўлини танлаб олганлиги бўлди. Муҳтарам Президентимиз И.А. Каримов таъбири билан айтганда: “Эркин ижод учун миллий қадриятларимиз ва бой маънавиятимизни, халқимиз тарихини, унинг бугунги сермазмун ҳаётини тўлақонли ва ҳаққоний акс эттириш учун зарур шароитлар яратилди”<sup>1</sup>. Бундай ютуқлар эса мустақилликни янада

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008, 133 - б

мустаҳкамлаб, дунёдаги ривожланган мамлакатлар сафидан жой олишимиз учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Миллий кадриятлар миллатнинг ҳамда халқнинг маънавий борлигини ифода этувчи, унинг ўзига хос жиҳатларини намоён этиб турувчи ноёб ҳодиса ҳисобланади. Миллий кадриятлар миллатнинг қобиғига ўралиб қолган, янгиликка қаршилик қилувчи ҳодиса эмас. Ёки демократик тараққиётга ҳалал берувчи омил ҳам эмас. Аксинча, демократик тараққиётда унинг ўзига хос миллий моделлари мавжудлигини тасдиқлаб, кафолатлаб турадиган маънавий пойдевори ҳамда негизидир.

Ҳар бир мамлакатда ҳар бир миллатнинг асрлар оша авлоддан-авлодга ўтиб, сайқалланиб келаётган ўз кадриятлари бўлиб, ушбу кадриятлар асосида миллат кадрланади ҳамда обрў-эътиборга эга бўлади. Аммо кадриятларидан жамият тараққиёти учун қай даражада фойдаланаётганликлари катта аҳамият касб этади. Миллий кадриятларга ҳурматсизлик, унинг кадр-қимматини билмаслик нима-ларга олиб келиши яқин ўтмишдан бизга аён-дир. Миллат руҳи синган, боболар қалб кўрининг меваси бўлган юксак неъматнинг оёқ ости бўлиши ҳеч кечирилмас ҳолатдир.

Бирон-бир жамият маънавий имкониятларини, одамлар онгида маънавий ва ахлоқий кадриятларни ривожлантирмай ҳамда мустаҳкамламай туриб ўз истиқболини тўлиқ тасаввур эта олмайди. Айниқса, Шарқда халқнинг минг йиллик миллий кадриятлари ўша халқ учун кадр-қимматга молик маънавият манбаи бўлиб хизмат қилиб келган. Ўзбек халқи яқин-яқингача давом этган кучли мафкураравий тазйиқларга қарамай, авлоддан-авлодга ўтиб келган ўз тарихий ва маданий кадриятларини ҳамда ўзига хос анъаналарини сақлаб қолишга муваффақ бўлди. Ўзбек халқи миллий кадриятларини асрлар давомида қалбида доимий равишда асраб-авайлаб келди ва уларнинг умумбашарий кадриятлар сафидан жой олишларига эришди.

Миллий кадриятлар мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлайдиган маънавий асослардан биридир. Халқимизнинг асрлар давомида ошиб, мерос бўлиб келаётган миллий кадриятлари узоқ тарихий жараёнда шаклланиб ўзининг ривожланиш босқичига кўтарилди. Уларнинг ўтмиши уч минг йилдан кам бўлмаган даврни ўзида мужассамлаштирган, Марказий Осиё цивилизациясини яратди. Бизнинг миллий кадриятларимиз ана шу цивилизацияга хос бўлган жиҳатлар: туғилган макон ва она юртга эҳтиром, миллий урф-одат ва авлодлар хотирасига садоқат, катталарга ҳурмат, муомалада му-

лозамат, ҳаё, андиша ҳамда бағрикенглик, кечирувчанлик каби хислатларнинг устуворлиги билан ҳам ҳарактерланади.

Миллий қадриятларимиз таркибида жаҳондаги бошқа халқларникига мутлақо ўхшамайдиган урф-одатлар, расм-русмлар, маросимлар ва анъаналар мавжуд бўлиб, улар миллатимизга хос кўринишларга эга. Миллий қадриятларимизнинг ўзига хослиги ҳақида жуда кўп гапириш мумкин. Лекин биз асосий масала, миллий қадриятларнинг жамият, миллат, фуқароларнинг маънавий юксалиши ҳамда демократик жамият барпо этишдаги аҳамияти, шунингдек, диний қадриятлар билан уйғунлашиб кетганлиги ҳақидаги фикрларни эътироф этсак мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлаймиз.

Ўзбекистонда демократик жамият барпо этишда миллий қадриятлар билан бир қаторда, диний қадриятларга ҳам алоҳида ўрин берилмоқда. Чунки миллий ва диний қадрият ўртасида қатъий чегара йўқ. Улар доимий равишда ўзаро боғлиқ ҳолда намоён бўлади ва биргаликда фаолият кўрсатади. Миллий ва диний қадриятлар мутеликдан, фикр қарамлигидан қутулиш, миллий ўзликни англашга хизмат қилиши билан жамиятда демократик умумбашарий таомилларнинг қарор топишига замин яратади. Шунинг учун кўпинча миллий ва диний қадрият тушунчаларини биргаликда қўллаймиз.

Ўзбекистон Республикаси ўзига хос ва ўзига мос демократик тараққиёт йўлидан бормоқда. Ўзининг буюк келажаги, обрўйи ва ҳурмати ҳам кўп жиҳатдан ана шу тараққиёт йўлини тўғри танлаганлигидан, демократик ислоҳотларнинг халқ манфаатига мос келиши билан белгиланади. Мустабид тузум ҳукмронлиги даврида миллийликка эътибор камайди, дин эса буткул тугатилиши зарур деган ғоя ва қарашларга асосланди. Миллий ва диний қадриятларимиз эса ана шу ғоя ва қарашларнинг таъсиридан халос бўла олмади. Лекин, тазйиқларга қарамасдан иродали халқимиз асрлар мобайнида ўз маънавиятини, тарихий қадриятларини асраб-авайлаб келди ҳамда уларга содиқ бўлиб қолди. Ўзбек халқи ҳамма вақт ўз кучига, ўз имкониятига таянган ҳолда ўзларининг фаолиятларини ташкил қилган. Шу сабабли ҳам ҳар доим диний ва миллий қадриятларимиз ана шу матонатли халқнинг юксалиши ва тараққиёти учун рухий қувват бўлиб хизмат қилган.

Миллий ва диний қадриятлар мутеликдан тобеликдан қутилиш, миллий ўзликни англаш орқали маънавий покланиш ва маърифий юксалишга қараб йўл тутишдир. Миллий ва диний қадриятларнинг яна бир аҳамияти шундаки, улар юксак ижтимоий мақсадларга даъ-

ват этадилар, унга нисбатан мустаҳкам ишонч уйғотадилар. Шунингдек, ҳар бир фуқаронинг оила, миллат, жамият ва мамлакат олдигаги масъулиятларини чуқур англашга, виждонли бўлишга чақиради. Миллий ва диний қадриятларнинг аҳамияти шундан иборатки, улар кишиларнинг ички, руҳий оламини бойитади. Инсонни имон-этиқодли, инсоф-диёнатли, адолатпарвар ҳамда юртига, халқига садоқатли бўлишга ундайди.

Миллий қадриятлар намоён бўлиши ҳамда тарихий тараққиёти босқичида, айрим ўзига хос хусусиятларни мужассамлаштиради. Улар қўйидаги хусусиятлардир:

– **Миллий қадриятлар, маълум бир этник маконда шаклланиб, турли кўринишда намоён булади ва ана шу этник маконда яшовчи кишиларнинг онгига ҳамда турмуш тарзига ўзига хос тарзда таъсир этади;**

– **Миллий қадриятлар, бир миллатга мансуб бўлган кишиларнинг ижтимоий муносабатларида кўзга ташланади ва улар ана шу муносабатларнинг натижаси ўлароқ, ўз мақсад-муддаоларига эришади;**

– **Миллий қадриятлар, ижтимоий ривожланиш жараёнларида ўзгариб, жамоанинг манфаатларига мос ҳолда янгиланиб, такомиллашади ва келгуси авлодларга мерос бўлиб қолади;**

– **Миллий қадриятлар, иқтисодий, сиёсий, маънавий ва бошқа соҳаларда эришилган муайян натижаларнинг манбаи сифатида ҳам намоён бўлиши мумкин;**

– **Миллий қадриятлар, мазкур миллатнинг руҳиятини ўзида мужассамлаштирган ҳолда, бошқа миллат вакилларида мавжуд бўлмаган ички ботиний ҳис-туйғуларни ҳам ўзида акс эттиради;**

Шунингдек, миллий қадриятларимизнинг мазмун-моҳиятини миллатнинг табиий бетакрорлиги, миллий-худудий жиҳатдан ажралиб туриши, маънавий мероси, урф-одатлари, анъаналари, маросимлари, турмуш тарзи, миллий тили, миллий онг, миллий руҳ ва миллий ҳис-туйғулари, бошқа халқларникига ўхшамайдиган қирралари ва бошқа турли-туман ўзига хос хусусиятлар ташкил этади.

Миллий қадриятлар миллатнинг ўзи билан бирга тарих силсилалари, замона зайллари, турли ижтимоий ва сиёсий жараёнлар орасидан ўтмишдан келажакка томон ўтиб келади. Улар табиатига кўра фақат тор доирада сақланиб қолмайди, балки раванқ топиб, турмуш жараёнларида муттасил равишда, замонга мос ҳолда янгиланиб ҳамда такомиллашиб боради.

Хулоса қиладиган бўлсак, миллий кадриятлар мазкур миллатнинг юзи, қалби шууридир. Ҳеч бир миллат ўз юзининг қора бўлишини, қалбининг ғубор бўлишини истамайди. Шундай экан, миллатимиз юзининг ёруғ бўлиши учун қалб кўрининг, обод бўлиши учун мамлакатимиз фуқаролари бир жону, бир тан бўлиб фидоко-рона меҳнат қилишлари ҳамда мустақилликни олий кадрият сифатида мустаҳкамлашдек эзгу амалларни сидқидилдан бажаришлари зарур.

Мамлакатимизда яшовчи барча инсонларда гўзал ахлоқий фазилатларнинг такомиллаша бориши, маънавиятининг юксалиши жамиятдаги ижтимоий кадриятларни бойитишга, маънавий-маданиятни юксалтиришга хизмат қилади. Инсон табиат, жамият билан ўзаро муносабатда бўлиб, маънавий маданият туфайли қобилиятини ишга солиб, янги кадриятлар яратади. Миллий кадриятларини бойитади.

Халқимиз аждодлари томонидан яратилган кадриятларни авайлаб-асраб улардан миллатнинг кадр-қимматини ошириш, ўзликни чуқур ҳис этишдек буюк мақсадларда унумли фойдаланади деб ўйлаймиз.

### **3. Умуминсоний кадриятларга содиқлик – Ўзбекистонда демократик жамият барпо этишнинг асосий тамойили**

Демократик кадриятлар муайян шарт-шароитларга қараб маҳаллий, миллий, минтақавий ҳамда умуминсоний кадриятлар шаклида намоён бўлади. Жамият тараққиёти демократик кадриятларга бўлган эҳтиёжини доимий равишда зарурий ҳолат деб билади ва уни ҳеч қачон инкор этмайди.

Умуминсоний кадриятлар барча халқлар учун ижобий аҳамият касб этувчи, инсониятнинг умумий манфаатига мос келувчи моддий ва маданий ҳодисалар, мезонлар, кадрли жиҳатларнинг устувор бўлишига таянган ғоялар асосида шаклланган фаолият мажмуидир. Ҳар бир одам жинси, ирқи, миллати, ёши, касби, эътиқодидан қатъий назар, авваламбор, башар фарзанди ҳазрати инсондир. Шу умумий моҳият барча одамлар, миллатлар учун бирдек аҳамиятли ва кадрли бўлган моддийликни, ҳодисаларни, жараёнларни, муносабатларни фарқлашга имкон беради.

Умуминсоний кадриятлар инсоният тарихининг яхлитлигини ифодалайди, даврлар ўтиши ва ижтимоий ҳаётнинг ўзгариши билан бир қаторда такомиллашиб, ривожланиб, тобора кўпроқ халқларни, миллатларни, инсонларни яқинлаштирувчи, бирлаштирувчи ва ка-

мол топтирувчи буюк кучга айланиб боради. Инсонпарварлик ва ижтимоий адолат, эркинлик ва озодлик, барқарорлик ва фаровонлик, эзгулик ва тараққиётга бўлган интилиш умуминсоний қадриятларнинг муҳим томонларидан биридир.

Умуминсоний ва миллий қадриятлар узвий боғлиқ ҳолда бири-бирига таъсир этади ва ўзаро бойиб боради. Умуминсоний аҳамият касб этган миллий қадриятлар барча халқлар учун муҳим қадриятга айланади. Шу жиҳатдан, умуминсоний қадриятлар миллий қадриятлардан мазмунан кенгдир, келиб чиқиши бўйича барча одамзотга тегишлидир. Ҳеч бир миллатнинг бошқа халқлардан ажралган ҳолда ривожлана олмаслиги, айниқса, ҳозирги даврда бирор халқнинг якка ўзи жаҳон цивилизациясидан алоҳида ҳолда тараққий этмаслиги маълум.

Умуминсонийлик миллий ва шахсий қадриятлар орқали намоён бўлади. Умуминсонийликнинг устуворлиги – ҳар бир инсон бахт-саодатли, озод ва эркин бўлиши, жамиятда амалга оширилаётган барча ишлар, ўзгариш ва ислоҳотлар инсон манфаатларига хизмат қилиши лозим, деган қарашга асосланади.

Шунинг учун ҳам, инсон эркинлиги, унинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш, қонун устуворлиги, демократия, фикрлар ранг-баранглиги ва ижтимоий плюрализмга эришиш умуминсоний қадриятлар устуворлигига амал қилиш сифатида қаралмоқда. Бугунги кунда жаҳонда давлатларнинг ички ва ташқи сиёсатида ана шу тамойилларга амал қилиниши – умуминсонийликнинг устуворлиги ғоясига таяниш, бу ғояни амалга ошириш сифатида баҳоланмоқда.

Ҳар бир халқнинг маданий қадриятлари, маънавий меросининг йиллар мобайнида Шарқ халқлари учун қудратли маънавият манбаи бўлиб хизмат қилган. И.А. Каримов бу борада шундай таъкидлаганлар: «Узоқ вақт давом этган кучли мафкуравий тазйиққа қарамай, Ўзбекистон халқи авлоддан-авлодга ўтиб келган ўз тарихий ва маданий қадриятларини ҳамда ўзига хос анъаналарини сақлаб қолишга муваффақ бўлди»<sup>1</sup>. Бинобарин, ҳар бир қадриятнинг моҳияти ва аҳамияти табиат, жамият ва руҳий олам ҳодисаларини билиш, илмий умумлаштириш, ижтимоий ва маънавий тараққиётга таъсир этиш имкониятлари асосида белгиланади.

Демократик жамиятни умуминсоний ва миллий қадриятларсиз барпо этиб бўлмайди. Қадриятлар ҳақида фикр юритганда унинг

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: «Ўзбекистон», 1997, 14-бет.

иккита таркибий қисмини назарда тутмоқ керак. Бунда, энг аввало, инсоннинг объектив оламга нисбатан бўлган актив фаолиятини алоҳида таҳлил қилиш зарур. Умуминсоний кадриятлар тушунчасига моддий ва маънавий муҳит, яшаш шарт-шароитларининг ривожланиши ва ворислик содир бўлиб, янги-янги кадриятларнинг шаклланишига, ўтмишдан мерос бўлиб қолганлари эса давр руҳи, янги ижтимоий эҳтиёж ва тараққиёт учун асос бўлган кадриятлар киради. Умуминсоний кадриятларнинг асосий вазифаси оламини билиш ва уни амалий ўзгартиришнинг муҳим омилидир.

Юртбошимизнинг: «Мустақилликка эришганимиздан кейингина биз буюк аждодларимизнинг ҳурматини ўрнига қўя олдик. Бизнинг бу интилишларимизни Марказий Осиёдаги қўшниларимиз, маданий халқаро ҳамжамият қўллаб-қувватлади. Бу ҳол тасодифий эмас – соҳибқирон Амир Темур шахси унинг авлодлари бўлмиш фақат бизнинг эмас, балки минтақамиздаги барча халқларнинг, бутун маърифий инсониятнинг бойлигидир», – деган фикрлар ҳар бир миллат ривожланишидаги тарихий воқеалар, унга ижобий ҳисса қўшган шахслар ҳам миллий кадриятлар жумласига киришини англатади.

Шу нуқтаи назардан Амир Темур шахси бунинг ёрқин исботидир. Бинобарин, Амир Темур қанчалик тақводор мусулмон бўлма-син, қонунчиликнинг турли тизимлари – диний ва дунёвий томонлари борлигини, уларни ҳисобга олиш кераклигини жуда тўғри англаган. Амир Темур қонунчилик деганда фақат шариат қонунчилигини эмас, балки бошқа халқлар кадриятлари, урф-одатларини ҳам тушунган. «Миллий кадриятлар – миллат учун муҳим ва жиддий аҳамиятга эга бўлган жиҳат ва хусусиятлар. Ўз миллий кадрияти бўлмаган миллат ёки элат йўқ. Миллатнинг таназзули – миллий кадриятларнинг таназзулидир. Миллий кадриятлар миллатнинг тарихи, яшаш тарзи, келажаги, уни ташкил этган авлодлар, ижтимоий қатламлар, миллий онг, тил, маънавият ҳамда маданият билан узвий боғлиқ ҳолда намоён бўлади».<sup>1</sup> Негаки, миллий кадриятлар нафақат мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлайдиган маънавий асослардан бири, балки демократик, адолатли, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришнинг асосий манбаи ҳамдир. Марказий Осиё халқларининг асрлардан-асрларга мерос бўлиб келаётган миллий кадриятлари узоқ тарихий жараёнда шаклланган ва кўплаб оғир

---

<sup>1</sup> Мустақиллик изоҳли илмий-оммабоп луғати. А.Жалолов ва Қ. Хоназаров умумий ташририда. – Т.: «Шарк», 1998, 141-бет.



синовларни бошдан кечирган. Дарҳақиқат, минтақамиз халқлари 3000 йилдан ортиқ даврни ўзида мужассамлаштирган Марказий Осиё цивилизациясини ярата олган.

Марказий Осиё халқларининг миллий қадриятлардаги ўзига хос жиҳатларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- а) туғилган макон ва она юртга эҳтиром;**
- б) аждодлар хотирасига садоқат;**
- в) катталарга ҳурмат, ёшларга иззат;**
- г) инсоний муомалада мулозамат;**
- д) ҳаё, андиша, вазминлик, сабр-тоқат кабиларнинг устуворлиги.**

Маълумки, демократик қадриятлар муайян шароитларда шаклланади. Шу сабабли улар маҳаллий, миллий, минтақавий, умуминсоний мазмунда намоён бўлади.

Миллий муҳит демократик қадриятларни яратиш ва саралашнинг асосий манбасидир. Айнан миллий муҳит маҳаллий қадриятлар устуворлигини ўз даражасига кўтаради ва уларни вояга етказиб, умуминсоний қадриятлар даражасига олиб чиқади. Умуминсоний қадриятларни ҳар бир киши ўзининг бойлигига айлантиргандагина миллий тамойиллар ўз кучини кўрсатади. «Шу билан бирга ўтмиш қадриятларига, анъаналарга ва турмуш тарзига бетартиб равишда, орқа-кетини ўйламай қайтиш бошқа бир кескинликка – ҳозирги даврни қабул қилмасликка, жамиятни янгилаш заруриятини инкор этишга олиб келиши мумкин»<sup>1</sup>, деб таъкидлайди Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов. Биз бугунги кунда ҳақиқий қадриятларимизни:

- тадрижийлик, андишалилик асосида;**
- бўҳрон пайтида сабр-тоқат, маромийлик ва вазминлик асосида;**
- мулозаматда сертакаллуфлик, кексаларга муносабатда ҳурмат-иззат асосида;**
- ижтимоий-сиёсий ҳаётда босиқлик, сиполик ва бошқа асосларда асраб-авайлаб ривожлантирмоқдамиз.**

Мустақиллик шарофати билан миллий ўзликни тиклаш, миллий-маданий меросни қайта ўрганиш ва оммалаштириш, ўзбек халқининг сўниб қолган миллий туйғусини юқори кўтариш, миллий маънавиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш умумин-

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: «Ўзбекистон», 1997, 138-бет.

соний қадриятлар асосида олиб борилаётгани учун жуда кўплаб ривожланган мамлакатларнинг жамоатчилиги эътиборига тушмоқда. Бу нарса Президент Ислом Каримовнинг чуқур сиёсий фалсафасининг теран мазмунидан келиб чиқмоқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, муайян миллий, синфий, минтақавий, шахсий ва бошқа хусусий қадриятлар тизими умуминсоний қадриятлар тизимининг ўрнини боса олмайди.

Фуқаролик жамиятини барпо этишда умуминсоний қадриятларнинг намоён бўлиши хусусиятлари нисбий характерга эга бўлиб, унинг бу хусусияти ҳар доим ҳам кўзга ташланавермайди. Шунга кўра, демократик тамойилларни миллий қадриятлар билан уйғунлаштиришда унинг қуйидаги намоён бўлиш шакллари алоҳида таъкидлаш зарур.

**а) демократик жараёнларнинг узвийлиги асосида миллий қадрият сифатида шакллантириш;**

**б) одамларнинг тафаккури ва ижтимоий-сиёсий савияси билан демократик ўзгаришлар даражасининг мутаносиб бўлишига эришиш орқали;**

**в) жамиятдаги турли хил гуруҳлар қарашларини ягона мақсад – «Ўзбекистон келажаги буюк давлат» деган миллий ғоя асосида ҳамжихатлилиқ, миллатлараро тотувлиқ, ижтимоий-иқтисодий барқарорликни таъминлаш асосида;**

**г) демократик жараёнлар халқимизнинг қонунни ҳурмат қилиши, қонунга итоат этиш каби фазилатларга мос равишда ривожланишини таъминлаш;**

**д) сиёсий муносабатларда ҳам ахлоқий, маънавий, миллий қадриятлар устуворлигига эришиш орқали умумбашарий демократик тамойилларни мамлакат фуқаросининг турмуш эҳтиёжига айлантириш ва бошқалар.**

Умуминсоний қадриятларга содиқлик – Ўзбекистонда демократик жамият барпо этишнинг асосий тамойилларидан биридир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, инсонлар ер юзининг турли минтақаларида туғилиб, хилма-хил табиий шароитда истиқомат қилганлар. Бу ҳол уларнинг ўзига хос урф-одат ва анъаналари, турмуш тарзи ҳамда бошқа хилдаги ўзига хосликларнинг шаклланишига олиб келади. Инсониятнинг кейинги даврдаги тараққиёти кишиларнинг турли синф ва ижтимоий гуруҳларга, табақа ва ижтимоий қатламларга, элат ва миллатларга ажралишларига олиб келади. Жаҳон цивилизациясининг ҳозирги даврдаги тараққиёт даражаси ва

характери, инсонларнинг ўзини инсон сифатида сақлаб қолиши зарурияти ва жамият тараққиётининг янада юксакроқ босқичга кўтарилиши борасидаги ҳаётий вазифалар умуминсоний маънавий кадриятлар аҳамиятини беқиёс даражада юксалтиради. Умуминсоний маънавий кадриятлар инсоният порлоқ келажагининг ифодасидир. Ҳозирги кундаёқ турли элат ва миллатларнинг, турли ижтимоий-иқтисодий тизимдаги халқларнинг муаммо ва вазифаларни тинч-тотув ҳал қилишда муҳим маънавий воситага айланиб бормоқда.

Умуминсоний кадриятлар турли мамлакатлар, халқлар ўртасида уларни ўзаро яқинлаштирувчи, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликка чорловчи куч вазифасини ўтайди.

Умуминсоний кадриятлар ниҳоятда кенг кўламли ва серқирра тушунча. Унинг замирида энг аввало озодлик, эркинлик, тинчлик, демократия туфайли шаклланган инсон бахт-саодати каби умумижтимоий маъно ва мазмун касб этадиган кадриятлар мавжуд.

Шундай қилиб, ўзининг миллий-маънавий кадриятларига таянмаган, уни ҳисобга олиб, айни пайтда умуминсоний кадриятлар, тамойиллар билан уйғун бўлмаган демократияни ҳақиқий демократия ёки унга асосланган демократик жамият деб бўлмайди. Демократик жамият миллий ҳамда умуминсоний кадриятларнинг такомиллашувига ва уларнинг равнақ топишига имконият яратиб беради. Чунки демократик жамият инсониятнинг орзу-истакларини, мақсад-муддаоларини амалга оширишга қодир бўлган жамият деб тан олинган. Шунинг учун ҳам, умумбашарият бундай жамиятни барпо этишга ва унда яшашга интилади.

#### **4. Миллий ва умуминсоний кадриятлар уйғунлиги-демократик цивилизация**

Демократик жамият қуриш жараёнларида миллий ҳамда умумбашарий кадриятларнинг илмий ва амалий жиҳатлари Президент И.А. Каримов қатор асарларида, нутқларида чуқур таҳлилий баён этилган.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг етакчи ижтимоий соҳа олимлари томонидан демократиянинг миллий, умумбашарий кадриятларини ҳар бир халқнинг кадриятлари билан уйғунлаштириш ва тўлдириш борасида бирмунча самарали ишлар қилинади. Шундай бўлсада, мамлакатимизда демократик жамият барпо этиш жараёнида уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва намоён бўлиш хусусиятларини жиддий ўрганиш ҳамда илмий хулосалар чиқариш талаб

этилди. Бизга маълумки, демократиянинг умумбашарият томонидан эътироф этилган асосий классик тамойиллари мавжуд бўлиб улар қуйидагилардир:

- эркин ва адолатли сайловлар;
- очик ва ҳисобат берувчи ҳукумат ;
- инсон ҳуқуқларнинг устуворлиги;
- ҳокимият оргинларининг сайланиб қўйилиш;
- сўз, матбуот ва виждон эркинлигининг Конституция ва қонунлар билан кафолатланиши;
- қонун устуворлиги;
- фуқароларнинг сиёсий ва иқтисодий ҳуқуқлари мавжудлиги ва тенглиги;
- тайинлаш йўли билан шаклланадиган давлат органларининг, сайлаб қўйиладиган органлар олдида ҳисоб бериш бурчилиги;
- кўппартиявийлик тизимининг мавжудлиги;
- умуммиллий масалаларнинг ҳал этилишида референдумларнинг ўтказилиши;
- мулк шакллариининг хилма-хиллиги ва уларнинг тенглигини кафолатловчи қонунларнинг мавжудлиги;
- сиёсий муҳолифатнинг очик фаолият кўрсатиши;
- жамиятда плюрализм, яъни фикрлар хилма-хиллиги, ранг-баранглигини кафолатловчи қонунларнинг мавжудлиги ҳамда уларни ҳаётга жорий этиш масалалари самарасининг ортиши.

Демак, миллий қадриятларимиз юқоридаги тамойилларнинг таъсири ўлароқ бойиб боради ва умумбашарий қадриятлар билан уйғунлашади.

Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришгач, курраи заминнинг кўпчилик халқлари каби ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган демократик жамият барпо этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Демократик жамиятни шакллантиришда, авваламбор, мамлакатимиз тараққиётининг ўзига хос миллий қадриятларини жаҳонда кечаётган умуминсоний қадриятлар билан уйғунлашаётганини назардан қочирмаслик керак.

И.А. Каримовнинг 1992 йилда ёзилган «Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар» ҳамда «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асарларида миллий тамойиллар илмий жиҳатдан ҳар томонлама асослаб берилди. Бу Ўзбекистоннинг ўзига хос, ақл-

идроққа асосланган тараққиёт йўли жаҳон афкор оммаси томонидан ҳақли равишда «**тараққиётнинг ўзбек модели**» деган ном олди.<sup>1</sup> Айнан ана шу тамойилларда бир томондан миллийлик, иккинчи томондан умуминсонийлик йўналишлари уйғунлашди ёки уларнинг диалектик муносабати ўз аксини топди. «Биринчи тамойилимизда, - деб ёзган эди И.А.Каримов, - аввал-иктисод, кейин сиёсат деган шиорни олға сурдик»<sup>2</sup>.

Бошқача қилиб айтганда, иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги назарда тутилади. Иқтисодий ислохотлар сиёсатдан ортда қолмаслиги зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 1995 йил 23 февралда Биринчи чақириқ Олий Мажлиснинг I сессиясидаги маърузаси «Ўзбекистон сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари» деб номланиши бежиз эмас. Мазкур маърузада Юртбошимиз Шарқда, қолаверса, Ўзбекистонда дунёвий, демократик жамият барпо қилишнинг уч муҳим тамойили устида тўхтаб, уларни илмий жиҳатдан асослаб берди. Хўш, Ўзбекистонда қурилаётган демократик, адолатли фуқаролик жамиятининг шакли шамойили қандай бўлиши керак? «Шарқда, – деб ёзди И.А. Каримов, – демократик жараёнларнинг қадимдан шаклланган ўзига хос ва ўзига мос хусусиятлари бор. Шарқда демократик жараёнлар узвий равишда ва аста-секин тараққий топади. Бу соҳада инқилобий ўзгаришлар яшашга уринишлар ғоят нохуш, ҳатто фожиали натижаларга олиб келади. Инқилобни Ғарб олимлари ҳам «ижтимоий тараққиётнинг ибтидоий ва ёввойи шакли» деб атаганлар. Табиийки, бундай йўл бизга асло тўғри келмайди»<sup>3</sup>. Шу ўринда, демократик жамият қуришнинг миллий, умумбашарий тамойилларида шарқона қадриятлар қандай ўрин эгаллайди, деган савол туғилади.

Миллий қадриятлар билан бирга минтақавий қадрият ҳам мавжуд. Кўриниб турибдики, И.А. Каримовнинг таъкидлашича, демократияни шакллантиришда Ўзбекистон учун ғарб намунаси эмас, кўпроқ Шарқ тажрибаси қўл келади. Осиё минтақаси ва мусулмон Шарқидаги демократик қадриятлар ва ўзгаришлар ривожининг тажрибаси ўзига хос хусусиятлар, ўзига хос анъаналарга эга.

<sup>1</sup> Гафарли М.С., Касаев И.А. Ривожланишнинг «Ўзбек модели»: тинчлик ва барқарорлик – тараққиёт асоси. – Т.: «Ўзбекистон», 2001, 430-бет.

<sup>2</sup> Каримов И.А.. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: «Ўзбекистон», 2001, 36-38, 177-бетлар.

<sup>3</sup> Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд, – Т.: «Ўзбекистон», 1996, 8-9-бетлар.

Шарқда демократия тушунчаси ҳамжиҳатлик ғояси, жамоатчиликнинг фикрича, устуворлик заминида шаклланади.<sup>1</sup> Осиё минтақаси ва мусулмон Шарқининг бой тарихий тажрибасига асосланиб, И.А. Каримов Ўзбекистонда демократик тамойилларнинг ривожини тўғрисида ниҳоятда муҳим хулосага келади. «Бизнинг мамлакатимизда, – дейди Юртбошимиз, – демократик жараёнлар халқимизнинг қонунни ҳурмат қилиш, қонунга итоат этиш каби фазилатларига мос равишда ривожланиши зарур. Ахлоқий, маънавий қадриятлар сиёсий муносабатларда ҳам устунлик касб этиши даркор».<sup>2</sup>

Ўзбекистонда эркин, демократик жамият қуриш вазифасини амалга ошириш жараёни демократиянинг умуминсоний ва миллий - маънавий қадриятлари уйғун эканлигига асосланади. Демократиянинг асосий белгиси у ёки бу мамлакатда халқнинг олий ҳокимиятнинг амалга оширувчи манбаи эканлигини эътироф этишдир. Айни пайтда, турли халқлар халқ ҳокимиятининг шакли ва мазмунини турли даврларда турлича талқин этишлари мумкин. Масалан, демократиянинг антик даврлардаги талқини билан Европадаги ҳозирги замон талқини ҳам айнан бир хил эмас.

Миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги демократик ривожланишнинг асосидир, чунки миллий қадриятларнинг умумбашарий қадриятларга айланиш жараёни шунчаки амалга ошмайди.

Қачонки миллий қадриятлар демократик тамойилларга асосланса, у умуминсон манфаатига хизмат қилсагина умумбашарий қадриятлар сафидан жой олади.

Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда хулоса қиладиган бўлсак, миллий ва умуминсоний қадриятлар ўртасидаги чегарани аниқлашга ҳаракат қилиш қийин ва самарасиз ишдир. Чунки миллий ва умумий қадриятлар амалда, ҳаётда шунчалик уйғунлашиб кетганки, миллий қадриятлар қаерда тугайди-ю, умуминсоний қадриятлар қаерда бошланади, деган фикрни асослаш машаққатли иш. Миллий қадриятлар ҳам аслини олганда умуминсоний аҳамиятга эга. Умуминсоний мазмун-моҳиятдан маҳрум қадриятлар миллат манфаатига хизмат қилмайди. Фақат миллий қадриятларни таҳлил қилиш орқали биз ҳар бир халқ, миллатнинг ўзига хос такрорланмас белгиларини аниқлашга мувофиқ бўламиз.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд, – Т.: «Ўзбекистон», 1996, 8-9-бетлар.

<sup>2</sup> Ўша асар. 9-10-бетлар.

Миллий кадриятларга содиқлик, яъни миллий ўзликни англаш ғояси ва уни умумбашарий кадриятлар билан уйғунлаштириш, ватанпарварлик туйғусини мустаҳкамлаб, кучайтириш халқимизнинг асосий мақсад ва вазифаларидан биридир.

Демак, мамлакатимизда демократик жамият барпо этишда миллий ҳамда умумбашарий кадриятларнинг уйғунлашуви тараққиётнинг зарурий қонунидир.

## ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда қадрият кенг қамровли, пурмаъно, ҳикматли сўздир. Қадрият сўзи миллат учун, халқ учун энг азиз, энг қимматли нарсаларнинг барчасини англатиш билан бир қаторда, ҳар бир халқнинг нуфузи, мартабаси ҳам қадриятларига келиб тақалади. Қадриятлари умуминсоний аҳамият касб этса, шунингдек мазкур халқнинг руҳиятини ўзида мужассамлаштиради ҳамда гўзал ахлоқий хислатларга бой бўлса, бундай халқ ва миллатнинг дунёдаги ўрни, нуфузи ҳам юксак бўлади.

Ўз қадрини билган инсонгина бошқаларнинг ҳам қадрига етади. Ўз миллий қадриятларини ҳурмат қилган, эъзозлаган инсонгина ўша халқ вакили деган улуғ унвонга сазовор бўлади.

Қадрият инсоннинг маънавий эҳтиёжини қондиришга хизмат қилганлиги сабабли инсоният томонидан қадрланган ва авлоддан-авлодга такомиллашган ҳолда ўтиб келган.

Мамлакатимиз истиқлолга эришгач, миллий қадриятларимизни, шунингдек, Ўзбекистонда яшайдиган барча миллатларнинг қадриятларини сақлаш ва уларнинг мазмун-моҳиятини бойитиш учун катта имкониятлар яратилди. Юртимизда яшовчи барча миллат вакиллари мустақилликни мустаҳкамлаш, одил демократик фуқаролик жамиятини барпо этиш каби эзгу мақсадлар сари интиломқдалар. Бу жараёнларда умуминсоний ва миллий қадриятларнинг уйғунлигини таъминлаш эҳтиёжи қадриятлар омилидан унумли фойдаланишни тақазо этмоқда. Инсоният учун энг мақбул бўлган демократик одил жамият, албатта, миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга асосланган ҳолда барпо этилади.

Мухтасар қилиб айтадиган бўлсак, имон-эътиқодли, меҳр-шафқатли, инсоф-диёнатли инсонлар яшайдиган жамиятнинг замонавий атамаси бу – демократик жамиятдир. Инсонлардаги бундай хислатларнинг намоён бўлиши эса ҳеч шубҳасиз қадриятларга асосланади. Чунки маънавиятли инсонларгина эзгу амалларни қилишга, ўзига тўғри келмайдиган ишларни қилмасликка қодир бўлади. Шундай бўлгач, маъно, мазмунли турмуш кечириш манбаи бўлган маънавият ва унинг асосини ташкил қилувчи қадриятлар аҳамияти англашилади.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, тараққиёт босқичига қадам қўйган ҳар бир давлат, ҳар бир халқ ўз қадриятларини ижтимоий ҳаётга кенг тадбиқ этмасдан уни такомиллаштирмасдан туриб му-



ваффақиятларга эриша олмайди. Чунки авлодлар давомийлигини таъминловчи, ҳар бир миллатнинг миллат сифатидаги дунёвий мавқеини белгиловчи мезон бу – ўша халқнинг қадриятларидир. Бошқача қилиб айтганда, қадриятларидан жудо бўлган миллат ўз қадриятларидан ҳам жудо бўлиши муқаррар.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, кўп минг йиллик қадриятларига содиқ бўлган юксак маънавиятли ўзбек халқи ҳеч қачон ўз қадриятларига эътиборсиз бўлмайди. Чунки ўзбек оиласида миллий қадриятларимиз фарзандларимиз онгига гўдаклигидан бошлаб синдирилади. Ўз фарзандларимизни қадриятлар асосида тарбиялаймиз. Фарзандларимиз миллий қадриятларимизнинг куч-қувватини барвақт англаб етгани боис унга бир умр содиқ қолади. Миллий қадриятларимиз улар учун нақадар аҳамиятли эканлигини ҳис қилиб яшайдилар.

Ушбу қўлланмани муҳтарам Президентимиз Ислон Каримовнинг қўйидаги сўзлари билан якунламоқчимиз: «Бизнинг миллий хусусиятларимиз умуминсоний қадриятлар билан боғланиб кетган. Асрлар давомида халқимиз умумбашарий, умуминсоний қадриятлар тақомилига улкан ҳисса қўшган. Турли миллат вакилларига ҳурмат, улар билан баҳамжиҳат яшаш, диний бағрикенглик, дунёвий билимларга интилиш, ўзга халқларнинг илғор тажрибалари ва маданиятини ўрганиш каби хислатлар ҳам халқимизда азалдан мужассам»<sup>1</sup>.

## АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.-Т.: «Ўзбекистон», 2003.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон миллий истиқлол, сиёсат, мафкура. 1-жилд-Т.: «Ўзбекистон», 1996.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: «Ўзбекистон», 1997.

3. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд-Т.: «Ўзбекистон», 1996.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида. Хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари.-Т.: «Ўзбекистон», 1997.
5. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. 5-жилд-Т.: «Ўзбекистон», 1997.
6. Каримов И.А. Адолатли жамият сари. - Т.: «Ўзбекистон», 1998.
7. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қура- миз. 7-жилд, - Т.: «Ўзбекистон», 1999.
8. Каримов И.А. «Алпомиш» достонининг 1000 йиллигига ба- гишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқи.// «Халқ сўзи», 1999 йил, 9 ноябрь.
9. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-жилд, - Т.: «Ўзбекистон», 2002.
10. Каримов И.А. Ўзбекистон ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўл- майди. 13-жилд, - Т.: «Ўзбекистон», 2005.
11. Каримов И.А.Инсон унинг ҳуқуқ ва эркинликлари Олий қадрият. 14-жилд,-Т.: “Ўзбекистон”, 2006.
12. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш ислоҳатлар- ни чуқурлаштириш маънавиятимизни юксалтириш ва халқимиз- нинг ҳаёт даражасини ошириш- барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир.15-жилд,-Т.: “Ўзбекистон” 2007.
13. Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиётининг қонуний асос- ларини мустаҳкамлаш фаолиятимиз мезони бўлиши даркор. //«Халқ сўзи», 2006 йил 11 февраль.
14. Каримов И.А. Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маъри- фий ишлар самарадорлигини ошириш. //«Халқ сўзи», 2006 йил, 26 август.
15. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тарақ- қиёт йўли.-Т.: “Ўзбекистон”, 2007
16. Каримов И.А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъмин- лаш-барча ислоҳот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир.-Т.: “Ўзбекистон”, 2008
17. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: ”Маъ- навият”, 2008
18. Аҳмад Дониш. Наводирул вақое (Нодир воқеалар). – Т.: «Фан», 1964.

19. Халқ меҳри абадийдир! «Ўзбекистон овози», 1992 йил, 23 октябрь.
20. Қосимов Б. Миллий уйғониш.-Т.: «Маънавият», 2002.
21. Туленов Ж, Ғофуров З. Мустақиллик ва миллий тикланиш.-Т.: «Ўзбекистон»,1996
22. Ватан ва миллат муқаддасдир, тузувчилар: Қосимов Б, Долимов У, Аҳмедов С, Ризаева Ш, Мелиқулов Ж.-Т.: «Ўқитувчи», 1996.
23. Маънавият юлдузлари.-Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1999.
24. Болтабоев Ҳ. Юрт қайғуси. // Шарқ юлдузи . 1992, 4-сон.
25. Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. Биринчи китоб.-Т.: «Ўқитувчи», 1976.
26. Алишер Навоий. Махбуб ул - қулуб.-Т.: “Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти”, 1983.
27. Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар.- Т.: «Ўқитувчи», 1994.
28. Темур тузуклари.- Т.: Ғафур /улом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991.
29. Амир Темур васияти.-Т.: /афур /улом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991.
30. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг.- Т.: «Юлдузча», 1990.
31. Низомулмулк. Сиёсатнома ёки сияр ул-мулк. - Т.: «Адолат», 1997.
32. Ҳикматларга тўла бу дунё. (Нашрга тайёрловчи ва таржимон Ирисов А.)- Т.: «Ўқитувчи», 1997.
33. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри.- Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1998.
34. Хайруллаев М. Абу Наср Форобий. – Буюк сиймолар, алломалар. 1-китоб.- Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1995.
35. Йўлдошев Ж, Ҳасанов С. «Авесто» да ахлоқий-таълимий қарашлар.- Т.: «Ўқитувчи», 1992.
36. Қадриятлар ва ижтимоий тараққиёт. (Авторлар жамоаси) - Т.: «Ўзбекистон», 1997.
37. Бобоев Ҳ, Ҳасанов С. «Авесто» - маънавиятимиз сарчашмаси.-Т.: «Адолат», 2001.
38. Муродов М. Ўзбек қадриятлари.- Т.: «Чўлпон», 1995.

39. Шарипов Р, Муҳиддинова Ф. Ўзбекистон халқлари сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар тарихи. –Т.: Тошкент Давлат Юридик институти, 2004.

40. Гофуров З, Қўнғиров И. Адолат ва ҳақиқат- демократик жамият қуриш мезони. – Т.: ТМИ, 2006.

41. Гофуров З, Қўнғиров И. Демократик жамият шаклланишида маҳалла ва фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларининг роли ҳамда ўрни.- Т.: ТМИ, 2006.

42. Эргашев И. Демократия – миллий ва умумбашарий қадрият. Жамият ва бошқарув. 2004, 2-сон.

43. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти. (И.Эргашев таҳрири остида) –Т: „Наврўз” 2005.

44. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти институтлари. – Т.: Академия, 2007.

## МУНДАРИЖА

МУҚАДДИМА.....	4
1. Инсон, унинг кадр-қиммати демократик жамиятнинг олий қадрияти.....	6

2. Демократик жамият қуришда миллий қадриятларнинг роли	10
3. Умуминсоний қадриятларга содиқлик – Ўзбекистонда демократик жамият барпо этишнинг асосидир.....	14
4. Миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги-демократик цивилизация.....	19
ХУЛОСА.....	24
Адабиётлар.....	26

**ИБОДУЛЛА ҚЎНҒИРОВ**

**МИЛЛИЙ ҲАМДА УМУМИНСОНИЙ  
ҚАДРИЯТЛАРГА ТАЯНИШ - ЎЗБЕКИСТОНДА  
ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШНИНГ МУҲИМ  
ШАРТИ**

**(ўқув-услубий қўлланма)**

Мухаррир  
Саҳифаловчи

Ҳ.Тешабоев  
Г.Нуриддинова

Босишга рухсат этилди 17.11.09 Қоғоз бичими 60x84<sub>1/16</sub>.

Ҳисоб-нашр табоғи 2. Адади 100. Буюртма №

Тошкент Молия институти босмахонасида ризография усулида чоп  
этилди. 100000, Тошкент, Амир Темур шоҳ кўчаси, 60<sup>А</sup>-уй



